

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

496 Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895-3

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1895, 2009 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 8 сентябрь,
2015-13-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази Бош дирек-
торининг 2015 йил 8 сентябрдаги
2015-13-сон буйруғига
ИЛОВА

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 160-сонли «Қимматли қоғозлар бозори инфра-тузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизимини ўрнатади.»

2. 2-банддаги «бошқа биржалар» деган сўзлар «валюта биржалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни мазкур Низомнинг IV бўлимида белгиланган ҳолатлардан ташқари:

а) инвестиция воситачисини инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси профессионал фаолияти билан;

б) инвестиция маслаҳатчисини инвестиция воситачиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

в) инвестиция активларини ишончли бошқарувчисини инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

г) трансфер-агентни инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси профессионал фаолиятларни бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилади.»

4. 14 ва 15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Трансфер-агент инвестиция воситачисининг ва қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг профессионал фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

15. Инвестиция фондининг фаолияти бошқа турдаги фаолият билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин эмас.»

496-497-моддалар

— 68 —

37 (693)-сон

5. 16-банддан «ва (ёки) ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.